Янги йил барчамизга муборак бўлсин!



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2016-yil 1-yanvar №1 (4348)

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Азиз ватандошларим!

Мана шу файзли оқшомда байрам дастурхони атрофида тўпланиб ўтирган сиз, ҳурматли юртдошларимни, бутун Ўзбекистон халқини янги — 2016 йил билан самимий муборакбод этиб, барчангизга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга қут-барака тилашни ўзим учун катта бахт, деб биламан.

Мана, азизларим, қадрдонларим, бугун биз вақтнинг азим дарёдек шиддат билан ўтишига яна бир бор гувоҳ бўлиб, янги йилга, ҳаётимизнинг янги бир довонига қадам қўймоқдамиз.

Айни шу лаҳзаларда ўтаётган йилни кузатар эканмиз, йил давомида бошимиздан кечирган, ён-атрофимизда бўлиб ўтган ташвишли ва қувончли воқеаларни, амалга оширган ишларимизни беихтиёр кўз ўнгимиздан ўтказамиз, шу кунларга етказгани учун Яратганимизга шукроналар билдирамиз.

Мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган беқиёс ўзгаришларни, хонадонларимиз, маҳалла, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимизнинг қиёфаси тобора обод ва гўзал бўлиб бораётганини ҳисобга олиб, охирига етаётган йилимизга якун ясаб, холисона айтадиган бўлсак, 2015 йил биз учун ҳар томонлама хосиятли ва файзли бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Буларнинг тасдиғи ҳақида гапирганда, рухсатингиз билан айрим мисол ва рақамларни келтиришни ўринли, деб биламан.

Кейинги 11 йил давомида мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривожланаётгани, шу жумладан, 2015 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаганининг ўзи, ҳақиқатан ҳам, тарихий бир воқеадир, десак, адашмаган бўламиз.

Иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал тараққий топаётгани, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарнинг ишга туширилаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилаётгани, ахборот-коммуникация тизимларининг ҳаётимизга фаол жорий этилаётгани, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг дунё бозорида рақобатдошлиги ортиб бораётгани — буларнинг барчаси биз эришаётган ютуқларнинг мустаҳкам пойдеворини ташкил этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг, турли қийинчиликларга қарамасдан, 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тонна пахта, 14 миллион 500 минг тоннага яқин сабзавот ва полиз, 4 миллион 300 минг тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштиргани бозор ва дўконларимиздаги мўл-кўлчиликни, нарх-навонинг меъёрида бўлишини таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилди ва бунинг учун дала меҳнаткашларига ҳар қанча таҳсин ва тасаннолар айтсак, арзийди.

Ана шундай салмоқли натижаларимиз 2015 йилда аҳолимизнинг реал даромадларини 9,6 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини 21,9 фоизга ошириш имконини берди.

Шулар қаторида халқимизнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, турли гуманитар тармоқларни янги, замон талаб қиладиган босқичга кўтариш биз учун доим устувор йўналишлар қаторида бўлиб келмоқда.

Лекин, агар бугунги замон қандай шиддат билан ўзгариб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу соҳаларга, аввало, таълим-тарбия соҳасига эътиборимизни янада кучайтиришимиз даркор.

Чунки замон ўзгариши билан одам, инсон ҳам ўзгаради, унинг дунёқараши, ҳаётга, ҳаётдаги ўз роли ва бурчига муносабатлари ва қарашлари бир ҳолатда турмайди.

Айниқса, катта ишонч билан ҳаётга кириб келаётган азиз фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга ошираётган дастурларимиз биз олдимизга қўйган буюк мақсадларга жавоб беришига ишончимиз мустаҳкам бўлиши зарур.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, биз дунёдаги ривожланган, демократик давлатлар қаторига кўтарилишни энг юксак мақсадимиз сифатида қўйган эканмиз, бундай ўта муҳим ва масъулиятли вазифа, аввалambор, ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган, замонавий билим ва тажрибага эга бўлган, мустақил фикрлайдиган, ватанпарварлиги ва ҳозирлиги билан ажралиб турадиган ёш авлодимиз зиммасига тушади.

Ўртага қўйилган бундай улкан вазифанинг нақадар чуқурлигини ва масъулиятини ҳисобга оладиган бўлсак, таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришда маблағимизни ҳам, ўзимизни ҳам аямаслигимиз керак, деб ўйлайман.

Азиз дўстларим, қадрли юртдошларим!

2015 йил мобайнида мамлакатимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, жаҳон майдонида Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш йўлида янги-янги марраларни забт этганимиз, халқаро миқёсдаги нуфузли рейтингларда Ўзбекистоннинг юқори ўринларни эгаллаётгани ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Тасаввур этишнинг ўзи ҳам қийин бўлган ана шундай улкан ютуқларимизни сарҳисоб қилиб, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган нуқтаи назардан босиб ўтган йўлимизни баҳолар эканмиз, тўла ишонч билан айтмоқчиман: бундай юксак муваффақиятларнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган, ана шу натижаларга эришиш йўлида машаққатли синовларда тобланган, мард ва танти халқимиз олдида, барча-барча ватандошларимиз олдида чин қалбдан таъзим қилишни ўзим учун катта шараф деб ҳисоблайман.

Муҳтарам дўстлар!

Мана шундай ҳаяжонли ва шукуҳли дамларда ҳар қайси инсон янги йилни кутиб олар экан, айни шу дақиқаларда қалбида, юрагида сақлаб келаётган эзгу орзу-умидларнинг ушалишини, оиласи, яқинлари, она юрти тинч-омон бўлишини, янги йил янада хайрли ва баракали бўлишини хаёлидан ўтказади.

Ишончим комилки, кириб келаётган 2016 йилимиз 2015 йилга нисбатан кам бўлмасдан, хосиятли ва самарали бўлишига тўлиқ асосларимиз бор. Бунинг учун олдинги йилларда мамлакатимизда ҳар томонлама мустаҳкам замин – пойдевор ташкил қилингани ҳеч кимга сир эмас. Шу билан бирга, кутилаётган турли қийинчилик ва тўсиқларни енгиш учун биз катта тажрибага эгамиз.

Мавжуд бўлган тўсиқ ва муаммолар ҳақида гапирганда, аввало, ташқи томондан пайдо бўлаётган омиллар, яъни, глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётгани, дунё бозорларида вазият ноаниқ бўлиб қолаётгани, терроризм ва экстремизм балоси тобора кучайиб бораётганини ва бундай оғир муаммолар жаҳондаги кўпгина давлатлар бошига катта бир савдо бўлиб, шу жумладан, бизнинг елкамизга ҳам тушганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Бундай вазиятга қарамасдан, бизнинг прогноз ва ҳисоб-китобимиз шуни кўрсатадики, кириб келаётган 2016 йилда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 7,8 фоизга, аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлари 9,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг миқдори турли манбалар ҳисобидан 15 фоизга ошиши кутилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2016 йилда давлат бюджетида илму фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт тармоқларини ўзида мужассам этган ижтимоий соҳани ривожлантиришга сарфланадиган маблағлар 2015 йилда ўзлаштирилган маблағларга нисбатан анча кўпроқ бўлиб, давлат бюджети умумий харажатларининг 59,1 фоизини ташкил этади.

Кириб келаётган йилда барча молиявий манбалар ҳисобидан иқтисодиётимизга 17 миллиард 310 миллион доллар миқдоридаги капитал қўйилмалар йўналтирилиб, уларнинг 23,5 фоизини чет эл инвестициялари ташкил этади.

Бир сўз билан айтганда, янги – 2016 йил кўпгина кўрсаткичлар бўйича якунига етаётган 2015 йилга нисбатан кам бўлмасдан, балки кўп соҳаларда ундан анча юқори ва зиёда бўлиши мўлжалланмоқда.

2016 йилда умумий қиймати 5 миллиард 500 миллион доллар бўлган 164 та йирик ишлаб чиқариш объектида қурилиш ишларини якунига етказиш ва уларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида Толлимаржон иссиқлик электр станциясида ҳар бирининг қуввати 450 мегаватт бўлган иккита буғ-газ турбинаси, Ангрен иссиқлик электр станциясида 150 мегаватт қувватга эга бўлган энергия блоки қурилишини ниҳоясига етказиш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида 70 минг тонна мис ишлаб чиқарадиган металл эритиш корхонасини барпо этиш каби ўта муҳим лойиҳалар борлигини таъкидлаш лозим.

2016 йилда хитойлик шериклар ёрдамида Қамчиқ довонини кесиб ўтадиган 19 километрлик туннель қурилишини тугатиб, Фарғона водийсини бутун Ўзбекистон билан боғлайдиган темир йўл ишга туширилиши, шунингдек, "Тошкент – Самарқанд" тезюрар темир йўл қатновининг Бухорогача етиб бориши белгиланган.

Айни вақтда "Женерал моторс — Ўзбекистон" акциядорлик жамиятида "Т-250" моделидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Муборак газни қайта ишлаш заводида йиллик қуввати 80 минг тонна бўлган олтингугурт гранулалари тайёрлайдиган корхонани барпо этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, замонавий тракторлар, янги русумдаги мобиль телефонлар, планшет компьютерлари, ноутбуклар, телевизор ва холодильниклар, кондиционерлар ҳамда бошқа маиший электр техника буюмлари, кенг турдаги дори-дармон воситалари ишлаб чиқарадиган қувватлар ҳам фойдаланишга топширилади.

Келгуси йилда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси "Боинг-787" ҳаво лайнерларининг энг замонавий авлодига мансуб иккита янги самолёт билан таъминланиши мамлакатимиз фуқаро авиацияси ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Мамлакатимизда янги йилга "Соғлом она ва бола йили" деб ном берганимизни эл-юртимиз катта мамнуният билан кутиб олгани ва кенг қўллаб-қувватлаётгани, бу қарор замирида мужассам бўлган "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади" деган ғоя халқимизнинг олижаноб орзу-интилишларига нечоғлик ҳамоҳанг эканидан далолат беради.

Қадрли ватандошларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган янги – 2016 йил билан яна бир бор қизғин табриклайман.

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз, азизларга қалбимнинг тўрида бўлган энг самимий тилакларимни изҳор этаман:

муҳтарам фахрийларимизнинг умрлари узоқ бўлсин,

мунис аёлларимизнинг чеҳрасидан табассум аримасин,

дилбар қизларимиз янада гўзал ва чиройли, бахтли-саодатли бўлсин,

ёшларимизнинг бахту иқболини берсин.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

## Р.ИРМАТОВНИ "БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН" ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, халқаро майдонда ўзбек футболи нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари ҳамда ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Сайфиддинович Ирматов "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2015 йил 31 декабрь*

---



## Ифтихор

**Бир ўғлон ўстирган юрт —**
**минг қўрғон ўстиргайдир,**
**Бир ўғлоннинг қудрати**
**қўрғонларга хос бўлгай.**

**Мард зотлардан дуолар**
**олган ботир фарзандим,**
**Топган шаъну шавкатинг**
**ўғлонларга хос бўлгай.**

**Милён ўғил-қизларнинг**
**қалбларига куч бердинг,**
**Изларингдан келар бу —**
**карвонларга хос бўлгай.**

**Надир нописанд дунё —**
**Оврупо ҳам Осиё?**
**Кўтарган байроқларинг**
**давронларга хос бўлгай.**

---

## МУНАВВАР ЛАҲЗАЛАР

Болаликнинг қувончли кунлари кўп. Аммо Янги йил барчасидан аълоси. Орзулар, эртаклар, ниятлар бахш этгувчи йил боши байрамида одамлар бир-бирларига совға-салом, эзгу тилак улашадилар. Шундай лаҳзаларда мурғак қалбларга бахтиёрлик туйғусини бахш этгувчи яна бир фикр борки, у инсон қалбини ҳаракатлантирувчи қувват манбаидир.

"Катта бўлсам..."

Бу ният ҳар бир бола хаёлотининг туб-тубида жилоланиб турган орзу гавҳаридир. Янги йилда болалар бир ёшга улғаядилар. Ўзларини ака-опаларидай тутишга интилишиб, катталар қаторига қўшилишга,

### Ҳавасингиз келади

Ватан хизматига тайёр туришга ҳаракат қилиб қоладилар. Шундай кунларда уларнинг қувончига қувонч қўшгувчи, йил бўйи орзиқиб кутилган — "Президент арчаси" довруғи мурғак дилларни қувончга тўлдирди.

Болаларнинг анъанавий байрамига айланган ушбу тантана доирасидаги асосий тадбир "Туркистон" саройида ўтказилиб, унда "Томоша" гуруҳининг "Меҳримизда сеҳримиз" номли саҳналаштирилган мусиқий чиқишлари иштирокчиларда ёрқин таассуротлар қолдирди. 29-30 декабр кунлари бўлган бу тадбирда Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари билан бирга маҳаллалардаги 850 нафарга яқин ота-онасиз болаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Давоми иккинчи саҳифада.

---

**Ватан — муқаддас даргоҳ. Унинг остонасидан орзу-ўйларимиз, ниятларимиз томон йўл оламиз. Йўл аввалида қўлларимизни жуфтлаймиз — ёши улуғларнинг дуоси етти қават осмондан ўтиб мақсадларимиз йўлларини ёритади. Дадил одимлаймиз. Биз шундай дуо олган халқмиз.**

## БОЛА КЎТАРГАН АЁЛ

Бугун Янги йилнинг илк кунидамиз. Истиқлолимизнинг йигирма беш йиллиги сари мардонавор қадам ташланди. Бу қадам оналар кўнглини яна бир чўққига олиб чиқдики, у қуёшдан ҳам баланддир балки. Балки бургутлар макони унинг олдида ҳечдир. Онанинг қувончи боласининг толеи билан тириклик дунёсига устун қўядики, ҳатто бўрону тўфонлар уни йиқа олмайди. Она полвон мисол курашларда чиниқиб боради. У мағлубият билмайди, у яшашнинг сирларини ўрганади ва яшашга ўргатади. У елкамдаги юмуш, дея ўйлаганлари юксак марралардан баландлиги хаёлига ҳам келмайди: болаларининг саломатлиги, оиласининг тотувлигини ҳеч қандай молу давлатга қиёсламайди, асло. Қиладиган ҳар қандай меҳнати унинг энг оддий юмуши. Пешонасидаги ҳар томчи тердан сабоқ олади. Шундай юртнинг оналари ва болаларига кўрсатилаётган эътибор ва меҳру муҳаббатдан шукрона қилади!

Истиқлолимизнинг илк кунларидан оналик ва болалик давлат муҳофазасига олинди. Барча ислоҳотлар, аввало, оилаларнинг саломатлиги ва бахту иқболини таъминлашга қаратилди. Шундан ҳар ёшу кексанинг қўллари

### Ким эдигу ким бўлдик

дуога очилган. Ўқиганим бир китобда ёзилади: бир эшик билан иккинчи эшикнинг ораси етмиш йиллик йўл эди, деб. Истиқлол юз йиллик йўлни йигирма беш йилга ҳам етмай босиб ўтгани бежиз эмас.

Кеча ким эдик? Бу саволни тез-тез ишлатамиз ва ҳар жавобда бир хулоса бўладики у бошқасига асло ўхшамайди.

Давоми иккинчи саҳифада.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

Шукрона

# ЯНГИ ЙИЛ

Меҳру муҳаббатга ташна кўнгилни
Ҳатто дақиқалар айлар экан зор.
Бир ўзим билурман, ҳар янги йилни
Қанчалик кутганман бўлиб интизор.

Ундан омонликни кутдим, аввало,
Сўнгра осойишта онларни кутдим.
Бир қултум сув билан бир ютум ҳаво,
Тандирдан узилган нонларни кутдим.

Кутдим, набиралар бўлишсин, деб жам,
Ҳар бирин лабида табассум қалқсин.
Ёқсин оппоқ қор ҳам гупиллаб шу дам,
Қишнинг қуёши ҳам ялтираб балқсин.

Қўни-қўшнилару дўсту биродар
Бир-бирин қутласин қувончга тўлиб.
Кекса-ёш бағрини очиб баробар
Йилни қарши олсин жамулжам бўлиб.

Гина-кудуратлар орқада қолсин,
Янги яралгандай бу вужуд — бу тан.
Севиб ва авайлаб бағрига олсин
Ҳар битта фарзандин шу она Ватан.

Самовий нур билан чулғансин юрак,
Шоирлар байтида умидбахш нақл.
Ахир, ортиқчалик қилмаса керак,
Кибрга чегара, нодонга ақл.

Бўлса пешонада даврини сурсин,
Бандаси умрини этмасин исроф.
Қўзичоқ уч-тўрт кун ўйноқлаб юрсин,
Чўпон ва чўлиқдан кетмасин инсоф.

Жомга шароб қуйсанг лиммо-лим тўлгай,
Тагига тўкилгай ундан ортиғи.
Виждон ҳар лаҳзада қўриқчи бўлгай,
Насибанг — тақдирнинг туҳфа, тортиғи.

Учар осмонларда бахт деган бир қуш,
У юртлар устида қанотин қоқсин.
Ғам-ташвиш гўёки босириқ бир туш,
Бесамар хаёллар сувларга оқсин.

Кичкинтой набирам талпинар менга,
Шу соат у билан эрурман тенгқур.
Қуллуқ қилажакман, тириклик, сенга,
Берган куни учун Тангрига шукур.

# БОЛА КЎТАРГАН АЁЛ

Бошланиши биринчи саҳифада.

* * *

Болалик умрнинг рост фасли. Унда ёлғон яшолмайди. Болалик ўйинқароқ дамлар: қўл ушлашиб айланмачоқ ўйин бошлайди. Аълочилар ҳам, кеча аразлашган тўполончилар ҳам бир доира атрофига жамланиб ўйинга қўшилади. Аразлар унут бўлади. Бу бизнинг энг яхши кўрган ўйинимиз эди. Ким шеър, ким ашула, ким топишмоқ айтарди. Бунда маҳалла, мактаб болалари бирлашиб, иноқлашиб кетарди. Бу ўйинни соғиниб кутардик. Болалар кўплигидан навбатга турардик. Қачондан кутмай қўйганимиз эса ёдимизда йўқ. Болалик айланмачоқлари эса айланаверади. У ҳеч қачон тўхтамайди: биз, болаларимиз, набираларимиз, уларнинг набиралари ўйинга навбат олган...

Бошқа ўйинлар ҳам бўларди: "ҳаммомпиш", "ўқитувчи-ўқитувчи", "дўхтир-дўхтир"... Ҳамма дўхтир бўлардию, ҳеч ким касал бўлишни хоҳламасди... Асосий ўйинчоқлар қўлбола, саноқли болалардагина қўғирчоқ, машина бўларди. Қиз болалар она, ўғил болалар аскар бўларди.

Мактабга чиқиш осмонга учиш билан тенг эди. Зўр ўқиб, таътилда энг зўр оромгоҳларга бориш орзуимиз бўларди. Аммо... бизнинг таътил қўздек қўшниларимизнинг ҳашарларида ўтарди ҳисоб. Ҳеч ким болаларни мажбурламасди — биз бунга кўниккан эдик. Катта синфга ўтиб ўқув йили бошланиши билан дала ишчиларига "ёрдам" бошланарди. Аввалига қувонгандик. Узум йиғиш, кейин пиёз, сўнг картошка ковлаш пахта теримига уланарди. Ҳеч эсимдан чиқмайди: 14 ёшимда сентябрдан декабрнинг ўртасигача қўшни туманда пахтада қолиб кетганмиз. Синфдошларнинг ярмидан кўпи касал бўлиб кетган, саноқли болаларгина режа тўлгунча совуқ хоналарда туришга мажбур эдик... Бу кўпга келган "тўй" дейишарди.

Ёзги таътилда эса болаларнинг "балиқ" бўлгиси келар — қишлоқнинг ўртасидан ўтувчи сой эса уларга торлик қиларди. Спорт билан шуғулланиш учун энг яқини қўшни туман эди. Оналар шом қоронғусида болаларининг йўлини пойлаб тургани-турган эди.

У бизнинг болалик эди. Тенгдошларимиз олим, шифокор, ўқитувчи — ҳамма соҳада ўз ўрнини топди. Агар бугунги шароит бўлганда эди, дея ҳамон армон қиламиз.

Бугун вилоятларнинг энг чекка ҳудудидаги мактаблар ҳам шаҳардагидан қолишмайди. Сузиш ҳавзалари, спорт майдонлари, санъат мактаблари... эҳ-ҳе... рўйхатлар қаторга сиғмайди. Учинчи синф боласи учта тилда гаплашади. Куни-кеча "Эътироф — 2015" танловида "Спорт маликаси" йўналишида коллеж ўқувчиси, 17 ёшли Диёра Келдиёрова номи эълон қилинганда ич-ичимиздан қувондик. Самарқанднинг Пастдарғомида туғилган бу қиз ўзбек хотин-қизлари орасида биринчилардан бўлиб дзюдо бўйича жаҳон чемпиони деган номга муносиб топилди.

Кечагина шароити яхши шаҳарда яшаш энг катта орзуим, деганлар бугун туғилиб ўсган жойида аъло шароитдаги уй-жойларга эга бўляпти. Фақат изланссанг, натижа кўрсатсанг — жамиятда ўрнингни топсанг — шу юртга муносиб фарзанд бўлсанг — юртинг сени ардоқлайди. Эртакдаги шароитлар остонангда туради.

Ёш оилаларга имкониятлар аслида оналар ва болаларга имтиёздир. Она билан бола бир жоннинг яхлит икки бўлаги. Дунёдаги энг бахтли аёл — бола кўтарган аёл. Онанинг битта табассумида мингта қувонч, томчи ёшида эса денгизни ҳам қуритгувчи изтироб бўлади. У мақтовлардан осмон бўлмайди. Бору йўғида, қувончу аламларида тошдан ҳам оғир бўлиб, ипак феъли билан кўзлаган томонига карвон солади. Дунёнинг ҳеч бир карвони у кўтарган юкни елкасига ололмас... Аммо она дардчил боласининг синиқ табассумига тоқат қилолмайди! Икки дунёсини шу бахтга алмашади. Соғлом бола онанинг оёқлари остига олам қувончидан нур тўшайди.

Авлодларининг соғлом туғилишини истаган ҳар бир инсон ҳомиладор аёлини асраб-авайлаган. Ҳар қандай шароитда унинг кўнглига қараган. Соҳибқирон бобомиз эса келинларини энг чиройли манзаралар томошасига боришини назоратга олган. Умрнинг энг азиз неъмати учун шоҳу гадо қийинчиликларга тик турган. Бувимдан бир ривоят эшитгандим: Бир баджаҳл, гап уқмас, одам ёқтирмас йигит бор экан. Узоқ йил фарзанд кўрмабди. Бир куни аёлининг оғироёқлигини эшитиб, сенинг хоҳишинг мен учун байрам. Кўнглинг тусаганини айт, бажо қилай, дебди. Ой ўтиб, аёли тоғнинг чўққисига чиқиб дунёни томоша қилмоқчилигини айтибди. Йигит ўйланибди, ўйланибди. Охири, ўргатилган девдай бир бургутга мингаштириб аёлини тоғ чўққисига олиб чиқибди. Албатта, бу ривоят.

Дарҳақиқат, она миллат тарбиячиси. Онага эътибор миллатга, унинг эртасига — келажагига дахлдорликдир. Афсонаю ривоятларнинг замири ҳам, бугун амалга оширилаётган тенгсиз ишларнинг теран томирлари ҳам минг йиллик эзгулик булоқларидан қувват олган.

Абу Лайс ас-Самарқандий ёзади: "Агар аҳли жаннат аёлларидан бири кафтини осмондан чиқарса, осмон ва ер ораси нурланиб кетади". Адоқсиз ўйлар оғушига етаклайди: тўрт томони жаннат юртнинг аёли бўйи басти билан кўринса, етти олам жилваси хира тортмасми?..


Сарвар МАМБЕТОВ олган сурат.

Она билан бола — Осмон билан Қуёш. Уларни айро тасаввур қилиб бўларми?! Бир-бирига элтар йўл оралиғи ўлчамга сиғарми?..

Ҳа, бунда энг яқин йўл, МЕҲР йўли! Биз ундан одимлаб меҳр йили — соғлом она ва соғлом бола асрига аллақачон қадам қўйганмиз.

Бирозгина шошманг, аста қулоқ тутинг: майин овоз эшитиляпти. Эндигина кўзи ёриган аёл ва гўдакнинг нафас олишлари бу! Бу даргоҳдан оҳиста ўтинг: энг табаррук ришталар пайванд бўлаётир.

Дилфуза ШОМАЛИКОВА,
"Ғунча" журнали
бош муҳаррири

# ТЎРТ МУЧАНГИЗ СОҒ БЎЛСИН

**Ота-боболаримиз, момою бувиларимиз дастурхон бошида, ишга, ўқишга отланганимизда "Тўрт мучанг соғ бўлсин болам", дея дуо қиладилар. Бу тилак қуёш янглиғ кўнгилларни мунаввар қилади, юракка малҳам бўлади. Чунки соғлиқ ундан баҳраманд кишига ҳам, бошқалар учун ҳам бебаҳо неъматдир.**

Мана, янги йилимиз Юртбошимиз томонидан "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинди. Демак мен каби тиббиёт ходимларига икки карра масъулият юкланади. Яъни биз билим ва тажрибаларимизгагина таянмасдан, тинмай изланишимиз, ўқиб-ўрганишдан чарчамаслигимиз лозим. Болалар шифокори бўлишнинг анчагина мураккабликлари бор. Сабаби, болалар қаери оғриётгани, уларни нима безовта қилаётганини айтиб беролмайди. Ана шундай пайтда сизнинг оналик ички сезгингиз, беқиёс меҳрингиз ёрдамга келади. Демак, биз — болалар шифокори ўз юмушимизга нафақат шифокор, балки она юраги билан ёндошмоғимиз лозим. Биз болалардаги касалликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиб қолмасдан, балки оналар билан чин дилдан суҳбатлашишни, аёлларимизнинг тиббий маданиятини юксалтиришни ҳам уддалай олсак нур устига нур. Шу маънода Президентимизнинг келажагимиз эгалари соғлом бўлсин деб куюнишида, ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаш йўлида олиб бораётган беқиёс саъй-ҳаракатида халқимиз, миллатимизни соғлом, бардам ҳолда кўришдек эзгу мақсад мужассам.

Юртимизнинг турли вилоятларида скрининг марказлари ташкил этилди. Ҳозир бу марказда малакали шифокорлар аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Туғруқхоналаримизни айтмайсизми — ҳамма ҳавас қилса арзийдиган шарт-шароитлар яратилган. Туғруқхоналаримизда хориждан келтирилган тиббий ускуналар ёрдамида чақалоқларни ҳали она қорнидаёқ текшириш, агар бирор бир касаллик аломати сезилса, зарур ёрдам кўрсатиш имконияти мавжуд. Юртбошимиз ҳам шу йўналишдаги кенг кўламли ишлар ҳақида Конституциямиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Эътибор қилинг-а, бугунги кунда Тошкент шаҳрида Жанубий Кореянинг беғараз ёрдами билан 130 миллион 600 минг АҚШ доллари йўналтирилиб, кўп тармоқли замонавий болалар шифохонаси қурилиши бошланибди. Айниқса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудида ягона бўлган энг юқори даражага эга ноёб тиббиёт масканининг яқин келгусида фойдаланишга топширилиши соғлом авлод тарбияси йўлидаги улкан қадам эканлиги ҳар қандай одамни қувонтиради.

Мана, янги йилга қадам қўйдик. Бу йил мустақиллигимизнинг чорак асрлик тўйини нишонлаймиз. Ана шу йиллар давомида ортга назар ташлайдиган бўлсак, барча соҳалар қатори тиббиёт соҳасида ҳам жуда катта ютуқларга эришдик. Яқинда газета орқали Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳисоботида 1990 — 2015 йилларда Ўзбекистонда оналар ўлими кескин қисқаргани қайд этилганини ўқиб қолдим. Бунга, албатта, Президентимиз раҳнамолигида оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳаётини енгиллаштириш учун яратиб берилган ғамхўрликлар туфайли эришилди. Қолаверса, бунинг исботини Ўзбекистон нуфузли халқаро ташкилотлар рейтингида болалар саломатлиги муҳофазаланган етакчи мамлакатлардан бири эканлиги, ривожланиш кўрсаткичлари бўйича фарзандларимизнинг 92 фоизи Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келаётганида ҳам кўриш мумкин.

Янги йилни янги орзулар ва ниятлар билан кутиб олдик. Бу тилакларимиз орасида ҳеч қачон оҳори тўкилмайдиган бир тилак бор: "Тўрт мучанг соғ бўлсин, болам!". Биз шифокорларнинг ҳам эзгу ниятимиз — болаларимиз соғу саломат камолга етсин. Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий қадрият — соғлом, тоза ва покиза насл давомийлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бериши, шубҳасиз.

Доно УБАЙДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳридаги
6-туғруқхона шифокори

# ЭҲТИРОМ

Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидаги Болалар мусиқа ва санъат мактабида ёзувчи Ўроз Ҳайдарнинг "Ҳаёт билан юзма-юз" номли китоби тақдимоти бўлиб ўтди.

— Кексаларни эъзозлаш йилида бу китоб халқимизга муносиб туҳфа бўлди, дейди анжуманда сўз олган "Адолат" социал демократик партияси вилоят кенгаши раиси А.Аҳмедов.
— Китоб қаҳрамони Маҳмадўст аканинг ҳаёт йўли чироқчиликлар учун ибрат мактабидир. У киши ёшларни доимо ҳалол ва ростгўй бўлишга чақирадилар, шу орқалигина обрў ва ҳурмат топасиз, дея уқтирадилар. Оқсоқолнинг ўзлари ҳам шу тамойилга доимо амал қилади.

Шундан сўнг сўзга чиққан вилоят ҳокимининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ёрдамчиси М.Ражабов, меҳнат фахрийлари Х.Хушвақтов, У.Каримов, тиббиёт фанлари номзоди Қ.Нурмуҳаммедов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли фоторассом А.Жумаев, шоир Холмуҳаммад Ҳасан ва бошқалар китобда М.Бобоқуловнинг ибратли ҳаёти ва меҳнат фаолияти ёрқин ифодаланганини айтиб ўтишди.

Ахборот хизмати

# МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Тадбир

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари — умуминсоний эзгу ғояларнинг эркин минбари" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Президентимизнинг мамлакатимиз Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасидан келиб чиққан ҳолда олиб борилаётган амалий тадбирлар мазмуни ва мамлактимиздаги оммавий ахборот воситалари фаолиятининг истиқболлари муҳокама қилинди. Шунингдек, тадбир давомида "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини оммавий ахборот воситалар орқали кенг ёритишдаги фаол иштироки учун "Эҳтиром, эъзоз, эътироф" танловида ғолиб бўлган журналистлар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.

# МУНАВВАР ЛАҲЗАЛАР

Бошланиши биринчи саҳифада.

Айниқса, байрам тантаналари жараёнида тақдим этилган "Президент совға"си қанчалар бебаҳо эканлигини тасаввур қилиш қийин. Уни болалар қалбида кечган ҳаяжонда, кўзларида ёнган учқунларда кўриш мумкин.

— Юртбошимизнинг алоҳида эътиборга муҳтож болаларга кўрсатаётган ғамхўрлиги ва мурувватини сўз билан ифодалаш қийин, — дейди пойтахтдаги 22-Меҳрибонлик уйининг директор ўринбосари Хурсаной Холова. — Бу йилги байрам ўзгача. Чунки биз — "Соғлом она ва бола йили"ни, бизга бағишланган йилни кутиб оляпмиз. Мана шу воқеанинг ўзи ҳам бизга катта рағбат беради. Айни вақтда юксак масъулият ҳам юклайди. Соғлом фикрли, кучли, бахтли болаларни тарбиялашимиз керак. Юртбошимизнинг бизга, бизнинг фарзандларимизга кўрсатаётган беғараз эътиборларига жавобан бор куч-билимимизни аямасдан меҳнат қилишимиз шарт.

Пойтахтдаги "Туркистон" саройидан бошланиб, мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларига қадар бориб етган "Президент совғаси"нинг қувончи болаликнинг мунаввар лаҳзаларини бебаҳо дуру гавҳар билан безатди. Арча шохларида товланиб турган ўйинчоқлар нурланиб, кўнгилларга завқ-шавқ улашади. Бу, шубҳасиз, болаларнинг бир умр соғинч билан эсланадиган хотираларига айланади. Худди эртаклар оламида ўтган кунлар сингари. Жорий йил 29 декабр куни мамлакатимиз бўйича ўтказилган "Президент арчаси" тадбирларида Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари, "SOS – болалар маҳалласи", "Гўдаклар уйи", "Оилавий болалар уйи", маҳаллалардаги 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда юртимиз тинчлиги йўлида қурбон бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фарзандлари иштирок этдилар ва уларга "Президент совғаси" тақдим этилди.

Мамлакат бўйича ўн бир мингдан ортиқ болаларга қизиқарли ўқув қуроллари ва ширинликлардан иборат "Президент совғаси" тақдим этилиши ҳеч бир давлатда бўлмаган ҳодиса. Бизда эса, бу мустақиллик йилларида анъанага айланди.

Янги йил байрами шукуҳи юртимиз бўйлаб кўнгилларга янги орзу-ниятлар таратаётган, айни кунларда Мустақиллик майдони ва Хадра майдонида ўрнатилган арчалар атрофи болалар билан гавжум. Қишки таътил давомида минглаб болалар бу ерда бадиий гуруҳлар томонидан тайёрланган эртак воқеалари, болалар қўшиқлари мужассам бўлган саҳна кўринишлари, таниқли эстрада хонандаларининг чиқишларидан завқланадилар.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси мутахассиси Фароғат Аҳмаджонованинг таъкидлашича, болаларнинг қишки таътил кунларини мазмунли ўтказиш бўйича бир қатор тадбирлар кўрилган. Жумладан, таълим муассасаларида, "Баркамол авлод" марказларида, Болалар спорт мажмуаларида барча турдаги тўгараклар фаолияти кучайтирилган. Ўқувчилар бўш вақтларида ўзлари қизиққан машғулотлар билан шуғулланиши учун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишлари мумкин.

Албатта, 2016 йил болалар ва оналар учун хайрли ва саховатли келишига ишончимиз комил. Зеро, юртимизда ушбу янги йил уларга бағишланган. Вақтлар келиб, бугунги ёш авлод ҳам улғайиб, ўз умри, фаолиятини улуғ Ватанимиз кўрки ва равнақига фидо этадиган инсонлар бўлиб етишадилар.

Ҳумоюн АКБАРОВ

Янги нашрлар

# "ҒАРБ ШАМОЛИ"




XIX аср ғарб романтизми оқимига мансуб буюк инглиз шоири Перси Биши Шелли асарлари тўплами ўзбек тилида илк бор "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилди. Тўпламдан адибнинг бир қанча шеърлари, "Ҳаржу марж томошаси" поэмаси ва "Поэзия ҳимояси" асари жой олган.

"Римликнинг кулбаси", "Италияга", "Сўлаётган настарингa", "Милтон руҳи", "Вақт", "Озодлик", "Ғарб шамолига қасида" шеърлари жаҳон шеъриятининг гўзал намуналаридир. "Поэзия ҳимояси" асарида муаллиф шеър "инсоннинг ички табиатидаги ҳукмрон эҳтиёж — қалб амридан туғилишини" таъкидлайди.

"Ғарб шамоли" китоби сўзбошисида адабиётшунос Адҳамбек Алимбеков ёзганидек, жаҳон адабиётида номи Ж.Байрон, Р.Бёрнс, Ж.Милтон каби улуғ ижодкорлар қаторида турадиган Шеллининг шеърлари ўзбек китобхони учун янгилик ва маънавиятимизга қўшилган муҳим ҳисса бўлиши шубҳасиз. Тўпламдаги барча асарларни рус тилидан истеъдодли шоир Ҳумоюн таржима қилган. Муҳаррир Рауф Субхон.

# "БИЛГА ҲОҚОН ДОСТОНИ"

Адабиётимизда буюк аждодларимиз қаҳрамонликлари, эзгу ишлари ҳақида яратилган асарлар салмоқли ўрин тутади. Зеро, ёшлар маънавиятини бойитиш, шахсини камол топтиришда бундай асарларнинг тарбиявий аҳамияти катта.

Таниқли ёзувчи Отаулининг "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган "Билга ҳоқон достони" китоби ана шундай асарлар сирасидан. Китобнинг илк саҳифаларидан ўрин олган "Улус" насрий достонида буюк мутафаккир бобомиз Абу Наср Форобий ҳақида ҳикоя қилинади. "Билга ҳоқон достони" деб номланган асарда эса қадимий Ўрхун дарёси соҳилидаги Турк ҳоқонлиги тарихи, хусусан, Билга ҳоқон билан боғлиқ воқеалар тасвирланган.




Тўпламдан, шунингдек, ўн бешга яқин ҳикоя ҳам ўрин олган. Халқимизнинг маънавиятини бойитаётган бошқа тарихий мавзудаги китоблар қаторида "Билга ҳоқон достони" ҳам китобхонлар томонидан қизиқиш билан ўқилиши, шубҳасиз.

Отабек ИСМОИЛОВ

# ЭЛГА САДОҚАТ

## ШАРАФ ГАНЖИ

Мадҳ этайин, янгра қўлимда рубоб,
Карвони зўр, манзила қилгай шитоб.
Эли саодат сари эттай хитоб,
Бағрида шукронадамиз беҳисоб:
Бизнинг Ватан ганжи шараф, моҳитоб,
Тупроғи олтин, чечаги лаъли ноб.

Боғлари булбулларадур ошиён,
Мардлари кўксиндадир олтин нишон,
Халқи эрур бир-бирига жонажон,
Катта-ю, ёш бир-бирига меҳрибон,
Бизни Ватан ганжи шараф, моҳитоб,
Тупроғи олтин, чечаги лаъли ноб.

Ўтмиши шон, кўп буюк аждоди бор,
Дилда Жалолиддин, Темур ёди бор,
Ҳур келажак йўлида бунёди бор,
Элга садоқатли зўр авлоди бор,
Бизни Ватан ганжи шараф, моҳитоб,
Тупроғи олтин, чечаги лаъли ноб.

Бахт қуши парвоз этар осмонида,
Тинчлик эрур аҳд ила паймонида,
Яхши тилак дўст ила ёронида,
Куйлар Отабек шеър ила достонида,
Бизни Ватан ганжи шараф, моҳитоб,
Тупроғи олтин, чечаги лаъли ноб.



## ОГАҲИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Оразингким, моҳи Канъоним менинг,
Кипригинг қасдимға пайконим менинг,
Кокулинг хуш исли райҳоним менинг,
Қоматинг сарви хиромоним менинг,
Лабларинг гул барги хандоним менинг.

Касб ўлуб лутфу карам сан золима,
То тараҳҳумлар этиб аҳволима,
Келсину раҳминг қийин аъмолима,
Дардмандингман, назар қил ҳолима,
Ким, тўкар қон чашми гирёним менинг.

Шум рақиблардан кечиб базмимға кел,
Муддаийлардан қочиб базмимға кел,
Лабларингдан дур сочиб базмимға кел,
Меҳрибонлик юз очиб базмимға кел,
Равшан ўлсин шоми ҳижроним менинг.

Кечаю кундузи зоринг қилғомон,
Тўтиё роҳи ғуборинг қилғомон,
Не ғуборки, ҳарна боринг қилғомон,
Жавҳари жоним нисоринг қилғомон,
Бўлсанг ушбу кеча меҳмоним менинг.

Соғинурдан тинмайман оҳ этмагим,
Номинг айтиб гоҳи ўздин кетмагим,
Дардима топмас шифо ҳеч бир ҳаким,
Истасам шаҳди лабинг айб этмаким,
Ул эрур дардимга дармоним менинг.

Оташи ишқинг сабаб жунбушима,
Отмағил ўқ толеъ отлиғ қушима,
Келмасанг уммид йўқдур ҳушима,
Нетти кирсанг жон каби оғушима,
Ким будур кўнглимда армоним менинг.

Куйганинг бас, Отабек, ишқ ўтиға,
Тўлди олам оҳу нолангдудиға,
Берса инсоф қотили Намрудиға,
Огаҳийдек еттуси мақсудиға,
Куйинга қуйғоч қадам жоним менинг.

## ИККИ ҲОЛАТ

Шодон кунларимда эслайман сени,
Ўкиниб кетаман ўшанда эркам.
Минг афсус, шундай чоғ бирга эмассан,
Афсус, шодликларим кўрмассан баҳам.

Ғамгин кунларимда эслайман сени,
Севинч тўлар дилга, руҳ тортар тетик.
Боиси, ёнимда йўқдирсан ахир,
Минг шукр, ғамимга эмассан шерик.

## ПОСБОН

Қадим Хива узра ярим тун,
Ичан қалъа узра сукунат.
Эртакнамо шаҳар олар тин,
Гўё сеҳрланган салтанат.

Тун кўрпасин устига ёпиб,
Мадрасалар кўраётир туш.
Тош кўчалар ухлар донг қотиб,
Эшитилмас «тиқ» этган товуш.

Ухлар обидалар, Кўҳна арк,
Ҳатто Карвонсарой ҳам мудроқ.
Хўжаминор ухламайди ҳеч,
Фақат минор турар тик оёқ.

Кўз тикиб юрт сарҳадларига,
Шу тахлит кўз юммас то саҳар,
Минор бир нарсани билади:
Ғафлат бу — ўлимга баробар.

У фидойи посбонга менгзар,
На тиз чўкар, на бир толади.
Балки шундан қуёш ҳам ҳар тонг,
Илк бўсани ундан олади.

*О.ИСМОИЛОВ 1953 йилда Хива шаҳрида туғилган. ЎзМУнинг журналистика факултетини тугатган. Шоирнинг "Сенсиз ўтган кунлар", "Умид дарахти", "Сўз мартабаси" каби китоблари чоп этилган.*

ОЙБЕК

## ҲАЁТ БОҒИДА

Букун турмушимиз япроқларидан,
Биттаси жимгина узилиб кетди.
Бир йиллик курашнинг гўзал хаёли
Киприклар устида сузилиб кетди.

Замон тўлқинларин буюк қучоғи
Яширди йўлида қанча изларни.
Сўларми, эй шоир, бу ҳаёт боғи?
Доимо яшилдир... Боқ юлдузларни.

Олтин нурларини сочиб қарайди,
Ерда пўлат турмуш яна қайнайди.
Тириклик яна ёш бир қиз мисоли
Гулдор каштасини тикишга ёйди.

Соат ўн иккини урди. Янги йил!
Буюк амал ила қаршиладик биз.
Кўҳна дунёларни бузиб ёндиргил!
Чин ҳаёт боғининг эшигидамиз.

Букун турмушимиз япроқларидан,
Биттаси жимгина узилиб кетди.
Бир йиллик курашнинг гўзал хаёли
Киприклар устида сузилиб кетди.

Хосият РУСТАМОВА

# ДЕРАЗАДАГИ ГУЛЛАР

## ЁМҒИР



Булутлар ёйилди кўкни тўлдириб,
Шамол қувиб кетди совуқ қишларни.
Яна дарахтларни уйга чўмдириб,
Қораси кўринди оппоқ қушларни.
Бугун ҳам оттиси келмай отди Тонг,
Бугун ҳам дардини ичига ютди.
Кексайган ҳолига қарамай осмон,
Сузғичдан ўтказиб олар булутни.

## ОЙ

Яна қуюқлашди қоронғу осмон,
Кўриб бўлмай қолди нариги бетни.
Кўз олдимда бутун дунё зимистон,
Шу баланд уйинг ҳам кўринмай кетди.
Шамол гандираклар.
Тонгга бор қанча,
Хазонлар ўзига келолмас ҳануз.
Дарахтлар ер чизар. Энди ёзгача –
Боғларда адашиб қолиб кетар куз.
Ой чиқди. Дош берармикан асабинг,
Ёп-ёруғ кунлардан бордай ном-нишон.
Қайга боришини унутган каби –
Ой сенинг томингда турар паришон.

* * *

Дарахтлар ҳам олар аксига,
Яширмайди қалин шохлар ҳам.
Ўтар туннинг бир чеккасига
Ой қоронғу тушиши билан.

Жой тополмас боғлар ўзига,
Йўқотади гуллар эс-ҳушин.
Ухлатмайди ойнинг кўзига –
Юлдузларнинг ёруғи тушиб.

* * *

Ўзимга йўл очдим,
Учяпман аста.
Учқур қанотларим очилмоқда кенг.
Борар йўлим аниқ. Энди ҳавасга
Беҳуда тер тўкиб юрмагайман мен.
Энди оҳу фарёд ботмас юракка,
Сўнгги манзилимни кўряпман аён.
Тирмашиб чиқяпман осмон-фалакка,
Пинҳон қудратимни этиб намоён...

* * *

Гўё йўқдай зиёни,
Ер юзини тимдалар.
Ошкор қилиб дунёни
Силкинади пардалар.

Мулзам тортади тунлар,
Бу бир шамол ўйини.
Деразадаги гуллар
Эгиб олар бўйнини.

Тунлар ўйнар пардани,
Юлдузлар чиқар издан.
Ойнинг кетмаган ҳали
Она сути оғзидан.

* * *

Тирикманми ўзи?
Борманми ё йўқ,
Ўзимни суяшга етишмас ҳолим.
Ёнар вужудимда бошдан-оёқ ўт –
Қаерга қочишни билмайди, жоним.

Қайгадир йўқолган кўксимдаги тафт,
Нимаки иш бўлса – қўл силкир қўлим.
Кўзимда гўёки осмон ҳам бир кафт,
Замин ҳам кўринар бир сиқим бўлиб.

* * *

Ҳали муздан тушмасидан ер,
Изғиб юрганида изғирин.
Кўчаларга чиқмай улус-эл,
Дарахтларнинг очилар сири.

Ҳали совуқ кетмай танидан,
Кўтарилмай туриб қад-басти.
Бўртиб чиққан куртакларидан
Уялади олча дарахти.

* * *

Ҳоли нима кечар менсиз уйимнинг?
Китоблар... Суратлар... Жигарранг дафтар...
Мени тополмасдан тентиб, куюниб,
Ортимдан кўчага чиқади гаплар.

Менсиз ҳушдан кетар дарахту борлиқ,
Шамол кимнинг тутиб ўйнар сочидан.
Мен кетсам – тун ўлиб қолади аниқ,
Мен кетсам – ой ўлиб қолар очидан.

* * *

Ҳар кунгидан боғлар виқорли,
Қарғалар ҳам боқар беписанд.
Қара, жоним, кўча чиройли –
Сен ҳам ойна олдидамисан?!
Осмон оппоқ.
Ер жуда майин,
Балки, қорқиз ясарсан қордан.
Сенга қандай етиб борайин,
Йўлларимни қор босиб қолган.

## ҲАЁТ

Шу билан етдими умр сўнгига,
Шу билан бу ҳаёт бўлдими озод?
Тугаб бормоқдами кўзим ўнгида —
Тугамайдигандай кўринган ҳаёт?
Энди мен ҳақимда не этилар қайд,
Кераги бормикан беруҳ танимни?
Эсим кетганмиди шунга шунча пайт,
Ўғирлаганмиди хаёлларимни?
Тунни қора қилдим — кундузни таниб,
Офтобдан яширдим уни субҳидам.
Ахир мен ҳаётни ўзим кўтариб —
Катта қилган эдим болалигидан.
Севиб эркаладим, Севиб босдим лаб,
Унинг кўзларида қолди суратим.
О, шунча яшадим қирқига чидаб,
Қирқ бирига эса етмас журъатим.

*Х.РУСТАМОВА Наманган вилоятида туғилган. ЎзМУнинг журналистика факултетини тамомлаган. Шоиранинг "Осмондаги уй", "Нажот", "Ридо", "Девор", "Август", "Ишғол" сингари қатор шеърий китоблари нашр этилган.*

Ҳикоя

Матлуба ЮСУПОВА

# ОНА МАТОНАТИ

— Дадаси!

Хаёл суриб ўтирган Зуҳриддин ота Зумрад холанинг овозидан чўчиб тушди.

— Бор бўлинг–эй, юрагингиз ҳам чумчуқникидай бўб қопти-я? — дея хола ҳазиллашган бўлди.

— Тинчликми онаси, озгина хаёл сургани ҳам қўймас экансиз-да, — Зуҳриддин ота ўпкалади.

— Бугун аммажонлар келади, ўғил-қизлар, невара-жиянлар, эсингиздадир?!

— Ажойибсиз-да, онаси, нега хаёлимда бўлмас экан, ахир кун санаб кутаман-ку?! — ота хиёл кулимсиради. — Индамаганим боиси, каттангиз Ҳусниддин: «Хижолат бўлманг, ҳаммасини опкеламан» деганди, шунга шошилмаяпман-да!

— Ҳусниддин бор бўлсин, топганига Худо барака берсин боламнинг.

Зумрад хола ўғлини дуо қилди.

— Сизлар тайёргарлик кўраверинглар, мен озгина китоб ўқийман, — Зуҳриддин ота шундай деб ёнидаги токчада турган кўзойнаги билан китобни қўлига олди.

Зумрад хола чолининг шу тобда китоб ўқимаслигини, балки варақларга қараб хаёл суришини билгани учун ҳам индамай ҳовлига чиқиб кетди.

Ростдан ҳам Зуҳриддин ота китобни очди-ю, ҳарфларни эмас, балки ўз ҳаётини хаёлдан ўтказа бошлади.

Бугун раҳматли онасининг туғилган куни. Агар ҳаёт бўлганида тўқсон етти ёшга тўларди. Ўн бир йил олдин оламдан ўтган. Онаизори содда аёл эди, қайси ойда туғилганини ҳам билмасди.

— Э, болам, эски замоннинг одамлари фаслнинг вақтини эслаб қолишарди, холос. Қайси ой, қайси кун дегани энди урф бўлаяпти. Ҳар қалай бувинг раҳматли сени буғдой пишиғида туққанман, дерди.

Ўшанда нимагадир синглиси Зебихон билан мана шу 11 июлни танладилар. Балки буғдой пишиғининг қоқ ўртаси бўлгани учундир. Хуллас, шундан бери ҳар йили шу куни уйларида йиғиладиган бўлишди. Тўрда онаси ўтирар, Зуҳриддин ота қизиқчилик қилиб, ҳаммани кулдирар, мезбонликни ҳам дўндирарди. Онаси бирам суюнардики, кўзларида ёш, лабларидан эса кулгу...

Зуҳриддин отанинг ҳаётдаги энг азиз инсони, суянчиғи, посбони, ҳимоячиси, устози — шу онаси эди. Бўйлари пастаккина, қорачадан келган, жуссаси кичиккина, аммо жони қаттиқ, серҳаракат, покиза аёл эди.

Уруш бошлангандаёқ дадасини фронтга олиб кетишди. Ўша пайтда синглиси ҳали туғилмаганди. У уч-тўрт ёшдаги болакай эди. Дадаси уни қайта-қайта бағрига босиб, йиғлаган кўйи хайрлашганди. Фронт ортидаги ҳаёт ҳам урушдан қолишмасди. Тўғри, бу ерда ўқ овози йўқ, бомба портламайди. Аммо очарчилик, оғирлик ҳар қадамда учрарди. Аёллар, чоллар, ўсмирлар куну тун даладан бери келмасди. Завод-фабрикаларда ҳам улар ишларди. Ҳамма нарса фронтга жўнатиларди. Дадаси кетиб, олти ойдан кейин синглиси туғилди. Бугунгидек аниқ эсида, айвони очиқ, томи лойсувоқ уйда онаси ўчоқ бошида инграр, ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб қийналарди. Шу ҳолида ҳам ҳадеб Зуҳриддинни «нари кет, ўғлим, ташқарига чиқиб тур» дерди. Қўшниси Хайринисо опа кириб, онасига ёрдамлашди. У эса ташқарида совуқда дирдираб анчагача тургnamди. Кейин эса ичкаридан чақалоқнинг йиғиси эшитилди, у югуриб кирганида камзулга ўралган гўдакни кўрди, онаси эса титраб-қақшаб, қайноқ сув ҳўпларди.

Эртасигаёқ яна оёққа турган онаси бир қўлида чақалоқ, бир қўлида иш қиларди. Кечаси билан макка уқалашарди. У ҳам жажжи қўлчалари шилинса-да, жон-жаҳди билан онасига ёрдамлашишга тиришарди.

— Менинг кичкина ёрдамчим, полвоним! — деб суярди онаси шундай пайтларда.

Бир қоп уқаласалар, ярим буханка нон берарди. Бунинг учун эса икки тун ухламаслик керак. У макка қопга суянганича ухлаб қолар, эрталаб уйғонганида онасини боягидек иш устида кўрарди. Баҳор келиб-келмай ҳаммага қўшилиб далага чиқардилар, омоч ҳайдашар, кетмон чопишарди. Бечора Зебихон кўзини очиб-очмай далани кўрди, тупроққа аралашиб катта бўлди.

Дадасини узоқ кутдилар. Ҳар кун, ҳар соат. Дастлаб бир-икки марта хат жўнатди, кейин эса умуман дараксиз кетди. Онаси ҳеч қачон дадасини кутишдан чарчамади, ҳатто саксон олтига тўлиб, вафот этаётган палласида ҳам кўзлари эшикда бўлди. Чунки дадасидан бир парча қоғоз — «қорахат» келмаганди. Бедарак кетганлар ичида вақт ўтиб қайтганлари ҳам бўлди, бу эса онасининг умидини яна ҳам жонлантирарди.



Уруш тугаб, қишлоқ аста-секин гавжумлашди, кўп хонадон қувончга тўлди, кўплари эса азадор бўлди. Энди далада эркаклар меҳнат қила бошлади, улар орасида ўнга тўлиб, ўн бирга қадам қўйган Зуҳриддин ҳам бор эди.

Пишиқчилик энди-энди бошланаётган, тутлар пишган, мевалар сарғаяётган палла. Аммо ҳеч бир нарса ноннинг ўрнини босмайди. Агар далада ўлчаб берилган жойни чопиқдан чиқарсалар, яримта кулча бериларди. Ана шунинг учун ҳам онаси билан куйиб-пишиб кетмон чопишар, кичкина Зебихон эса тут тагида уларга қараганича лой ўйнаб ўтирарди. Тушга яқин бир кун олдин қилинган чопиқ учун нон беришаяпти, деб эшитишди. Онаси синглисидан хавотир олгани учун Зуҳриддинни «сен опкела қол» деди. У жонининг борича нон берилаётган тол тагига қараб югурди. Бу ер шийпон ўрнида эди.

Араб чўлтоқ деган бригадир бошқарарди, улар ишлаётган далани (ўнг қўлининг учта бармоғи ярим эди, шунинг учун «чўлтоқ»дейишарди). Тол тагига етиб келса, тумонат одам, ҳамма Араб чўлтоқни ўраб олган. У дафтарини кўриб, бир-бир нон тарқатаяпти. Зуҳриддин одамларнинг орасидан қисилиб юриб, бригадирнинг рўпарасига етиб борди. Узоқ навбатдан сўнг ниҳоят унга ҳам нон беришди. Бус-бутун НОН! Суюниб кетганидан орқа-олдига қарамай онаси томонга чопиб кетди. Бир маҳал нимагадир қоқилиб гурсиллаб йиқилди. Қўлидаги нон учиб бориб ерга тушди ва тупроққа қоришди. У ўзини ўнглаб-ўнгламай тепасида кимнингдир хо-холаб кулгани эшитилди. Ўрнидан тура солиб ортига қаради. Араб чўлтоқнинг ўзи тенги ўғли Абар ишшайиб турибди. Чамаси, у оёғи билан чалгани учун йиқилибди! Зуҳриддиннинг аччиғи чиқди, ерда ётган нонга қараб бор алами юзига тепди. Абарнинг устига бостириб бориб ёқасидан олди. Абар буни кутмаган чоғи, довдираб орқага чекинди. Сўнг бор кучи билан уни итариб юборди. Зуҳриддин яна ерга йиқилди, Абар баттар хо-холаб кулди. Зуҳриддиннинг кўзларидан ўт чақнади, ўрнидан тура солиб унга ёпишиб кетди. Ўртада даҳанаки жанг бошланди. Боядан бери узоқдан улар томонга қараб қўяётганлар аста-секин яқинлаша бошлади. Ҳатто Араб чўлтоқ нонни ташлаб югурди. Кела солиб, икки жўжахўрозни икки ёққа ажратиб, «ҳе» йўқ, «бе» йўқ, Зуҳриддинни тепкилади, унга ўғли қўшилди. Ҳам уришар, ҳам «етим»чалаб сўкишарди. Калтаклар остида қолган ёш болани ҳеч ким ажратишга ботинмасди, чунки бугун улар Зуҳриддиннинг тарафини олса, эртага ё ишидан ажралади ёки оладиган нонидан! Шунинг учун томошабин бўлиб туришаверди. Аммо томоша узоққа чўзилмади.

— Эй чўлтоқ! — бу ҳайқириқдан ҳамма чўчиб тушди. Ерда бир бурда бўлиб ётган Зуҳриддин ҳам йиғи аралаш бошини кўтарди. Қараса, онаси! Қўлида анча-мунча эркак кўтаролмайдиган катта ёғоч калтак. Кела солиб Араб бригадирнинг бошига туширса бўладими?!

— Боламни урадиган сендақа касофатни ўлдираман!

Бригадир қочишга улгуролмай, зарбадан гандираклаб «оҳ» деди-ю, ерга йиқилди. Онаси қўлидаги калтакни ташлаб, ерда ётган чўлтоқни тепкилай кетди. Боядан бери анграйиб тургланлар сал ўзига келиб, онасини четга тортишди.

...Зуҳриддин ота етмиш ёшдан ошдики, онасининг ўша вақтдаги ҳолатини ҳеч кўз олдидан кеткиза олмайди. Кичкина жуссали аёл қандай қилиб бўйидан баланд, оғир ёғочни кўтара олди экан! Бошқа вақт бўлганида уни кўтара олмаслиги аниқ. Биргина у эмас, бу воқеага гувоҳ бўлганлар ҳам «Ё қудратингдан!» деб ёқа ушлашганди.

Кейинроқ Араб чўлтоқ онасидан кечирим сўраган, чунки у ҳам бу аёлнинг матонати олдида лол қолганди Бошидаги каттагина чандиқ эса умрининг охиригача ўша адолатсизлигидан нишона бўлиб қолган.

Зуҳриддин ота чуқур уҳ тортди. Аламли воқеани ҳар гал эсга олганида ана шундай аҳволга тушади.

Аллоҳга айтганлари бор экан, у кўрган кунлар ортда қолди. Кейинчалик ҳаётлари яхши бўлиб кетди. Онаси оғир кунларда икки фарзандини ёмонликлардан, иссиқ-совуқлардан ҳимоя қилиб вояга етказди. Уни устага, синглиси Зебихонни чеварга шогирдликка берди. «Ҳунарли одам ҳеч қачон хор бўлмайди, уйда ўтириб ҳам нонини топиб ейди», дерди ҳар замонда уларни рағбатлантириш учун. Ҳақиқатан ҳам, қўлларидан иш келиб, ҳунарлари асқотганида зориқишлар тугади. Рўзғорлари бутланди, тўйлар қилишди.

У кўчада қанча пул топса ҳам бир сўмини чўнтагига солмасдан онасига тутқазди, асраб-авайлашга, ҳамиша хизматини қилишга шошди. Бола-чақали бўлиб, катта киши бўлганида ҳам бу одатини асло тарк этмади. Рафиқасиям, болалари ҳам унинг йўлини тутди. Улар учун оиладаги энг биринчи вазифа — онасининг хизматини қилиш, кўнглини кўтариш эди. Оғир меҳнат ва юрак оғриқлар онаизорининг қаддини букди, мункайиб юрадиган бўлди. Кексайгани сари янада мулойимлашиб, юзлари нурга тўлди. Аммо ўша-ўша покизалик, сариштalik уни тарк этмади.

Онасининг туганмас армони — дадаси эди. Гарчи, дадасини кутаётганини айтмаса-да, телевизорда уруш ҳақидаги кўрсатувни кўриб қолса, «Даданг тириқдир-а, бирон юртда яшаётган бўлса ажабмас», деб қўярди. Аслида тирик бўлганида аллақачон уйга қайтиб келиши мумкинлигини билса-да, турмуш ўртоғининг ўлиб кетганига ишонолмасди.

Онасининг армони қолмасин деб, дадаси ҳақида кўп суриштирди. На ҳалок бўлганлар рўйхатида, на бедарак кетганлар қаторида бор эди унинг исми. Сабаби, дадаси ўз номидан эмас, қишлоқдаги бир виждонсиз амалдорнинг ўғли номидан урушга кетган экан.

Ҳа, бу касофат урушнинг тақдир ўйинлари ҳам кўп бўлган! Онаси шўрликка буни айтолмади, қалбидаги умидини сўндиргиси келмади.

Эҳ, онажони-я...

— Акажон!

У бу овозни ҳар гал эшитганида юраги ҳаприқиб кетади, чунки онасининг овозига жудаям ўхшайди. Ҳозир ҳам ҳовлиқиб ўрнидан турди. Тиззасидаги китоби ерга тушди. Ҳали қадам босишга улгурмай хонага Зебихон кириб келди. У ҳам ҳадемай етмишга киради, лекин онаси каби дадил. Кира солиб Зуҳриддин отанинг бўйнига осилди. Синглисини бағрига босар экан, Зуҳриддин ота-онасининг қадрдон ҳидини туйди ва беихтиёр:

— Онажоним, хуш кепсиз! — дея пичирлади.

*М.ЮСУПОВА 1967 йилда Андижон вилоятида туғилган. ЎзМУнинг журналистика факултетида таҳсил олган. 2012 йилда "Оқ рўмол" номли ҳикоялар тўплами чоп этилган.*

**Озодбек НАЗАРБЕКОВ,**
**Ўзбекистон халқ артисти:**

# БАХТИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН



Янги йил арафасида санъаткорларнинг юмушлари кўпайгандан кўпаяди. Улар билан учрашиш, икки оғиз суҳбатлашиш бирмунча қийинлашиб қолади. Шунга қарамай, халқимизнинг севимли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбековдан газетамиз учун қисқа интервью олишга муваффақ бўлдик.

**— Озодбек, янги йил сиз учун қандай байрам?**

— Барча байрамлар санъат аҳли учун ҳам қувончли, ҳам машаққатли ўтади. Сабаби ўзингизга маълум: санъаткорнинг асосий вазифаси қувончли дамларда эл хизматида бўлиш, хуш кайфият улашиш. Қувончи шундаки, кишиларнинг кўзларидаги шодлик учқунларини, юзларидаги кўтаринки кайфиятни кўриб, унинг ҳам кайфияти кўтарилади. Юртимизда барча байрамлар, хусусан, кириб келаётган янги йил тинчлик-хотиржамликда, тўкин дастурхон атрофида нишонланаётгани катта бахт. Мухлислар, юртдошларимизнинг қувончидан шукроналик туяман. Шундай замон ва маконда яшаётганимдан ўзимни бахтли ҳис қиламан.

Янги йилни кутиб олишнинг яна бир зўр жиҳати шундаки, бу байрам одамларни болаликка, эртакларга етаклайди. Шу сабаб асосий эътиборимни кичик фарзандларимга қаратаман. Улар янги йилда мўъжиза кутишади. Саккиз ёшли қизчам ҳар йили арча тагига орзусини ёзиб хат ташлаб қўяди. Ўзи сурат чизишга, дизайнга жуда қизиқади. Ўтган йили хатида этюд ушлагич сўрабди. Ишонсангиз, ярим кечагача излаб, истаган нарсасини топдим. Қандай хурсанд бўлганини кўрсангиз эди! Шунда қизим билан бирга ўзим ҳам болаликка, беғуборликка қайтдим.

**— Мана, 2015 йил ҳам ортда қолди. Ўтган йил сиз учун нималарни туҳфа этди?**

— Шуни қувонч билан айтаманки, бир неча ўн йиллар қилган орзуим амалга ошди. Дилбар шоиримиз Бобур ҳазратлари ғазаллари асосида эстрада йўналишида ижро этган қўшиқларим албом бўлиб чиқди. Мақсадим — буюк аждодимиз меросини замонавий мусиқа орқали ёшларга сингдириш эди. Ниятимга етдим.

Миннатдорлик

Албатта, ҳали бу бошланиши.

Бундан ташқари, бугун учун жуда долзарб бўлган бир қўшиқ куйладим. Шоир Ботир Эргашев шеъри билан ёзилган бу қўшиқ "Оллоҳимга айтиб бер" деб номланади. Суриялик уч яшар болакай уруш оловида яраланиб, шифокорлар ҳузурига олиб келинганида, атрофдагиларга қараб "Ҳали у ёққа борганимда ҳаммангизни Оллоҳимга айтиб бераман", дейди. Шоирни ҳам, мени ҳам титратиб юборган жумла мухлисларга ёққан қўшиқнинг дунёга келишига сабаб бўлди. Албатта, бошқа қўшиқларим ҳам бор, лекин бу урушга қарши болакайнинг исёнидек туюлади менга. Ҳозирда қўшиқнинг арабча, форсча матнлари устидаги ишлар ҳам ниҳоясига етиб қолди.

"Ниҳол" мукофотига танловнинг якуний босқичида ҳайъат аъзоси сифатида қатнашиб, юртимизнинг энг чекка қишлоқларида беҳисоб истеъдодлар борлигига гувоҳ бўлдим. Бир йўналиш бўйича биттасини танлаб, "Бўлди, энг зўри шу", десак, яна бошқа жойдан ундан ҳам зўри чиқади. Номзодларни саралашда жуда ҳам қийналдик, истеъдодларнинг кўплигидан, албатта. Шунга ишонч ҳосил қилдикки, бу Президентимиз ташаббуси билан барча вилоятларда санъат мактаблари, лицейлар, коллежлар қурилгани ва улар замонавий техник ускуналар билан таъминлангани самараси. Ушбу даргоҳларда ўқиётган болаларнинг билими ҳам, истеъдоди ҳам кучли. Бу, албатта, ўзбек санъати келажаги давлат эътиборида эканидан далолат беради.

**— 2016 йилдан қандай умидларингиз бор? Ҳамюртларимизга янги йил тилакларингиз...**

— Янги йилга янги ижодий туҳфа билан қадам қўйганимдан жуда хурсандман. Яқинда мавлоно Лутфий ғазаллари асосида ёзилган албомим мухлислар қўлига тегади. Иш ниҳоясига етиб қолди. Тўпламни тайёрлаш учун улуғ шоирнинг 150 дан ортиқ ғазалидан ўнтасини, яъни ёшларимизга тушунарли бўлганларини танлаб олдик. Навбатда Огаҳий шеъриятига мурожаат қилмоқчиман. Шу тариқа шаклланиб-шаклланиб, бобокалонимиз Навоий шеъриятига етиб боришни ният қилганман. Бу ишдан мақсадимиз — ёшларни мумтоз шеъриятга ошно қилиш, етишиб келаётган ижодкорларга замонавий услубда ҳам мумтоз меросни тарғиб қилиш мумкинлигини эслатиб қўйиш.

Бу йил шоир-бастакор-хонанда учлиги янада жипслашиб ишлайди, деган умиддаман. Ҳар бир ижодкор ўз шахсий манфаатларини бир чеккага қўйиб, умумий натижа учун курашсагина давр биздан талаб қилаётган ва ўзимиз ҳам истаган натижага эришишимиз мумкин.



2016 йил Ўзбекистон ўз мустақиллигининг чорак асрлик тўйини нишонлайди. Ҳаммамиз учун ниҳоятда қутлуғ сана бу. Албатта, 25 йил тарих учун ҳеч гап эмас, лекин шунча вақт ичида юртимиз даражасига етган давлатни кўрмадим. Оддийгина бир мисол — ҳамюртимиз Равшан Эрматовнинг жаҳон миқёсида "Йилнинг энг яхши ҳаками" деб эътироф этилганини эшитиб, кўзларимда ёш қалқди. Бу, шубҳасиз, бизда спортга берилаётган эътибор самараси. Бундай мисолларни беҳисоб келтириш мумкин.

Айни дамда юртимизни таҳликали тўзонлар, уруш ва низолар дунёсида бор бўй-басти, виқорини, обрў-эътиборини кўз-кўз қилиб ўтаётган одамга ўхшатаман. Ахир, бугунги дунёда ўз ўрнини ушлаб туриш осонмас. Тинчлигимиз, осойишталигимиз, хотиржамлигимиз — энг катта бахт. Илоё, бахтимизга кўз тегмасин. Яна бир эзгу ниятим, азалдан давом этиб келаётган устоз-шогирдлик анъанаси янги йилда бардавом ва мустаҳкам бўлсин. Ер юзида бундай анъана жуда кам халқларда бор. Янги йилда ҳаммамизнинг орзуларимиз рўёбга чиқсин, юртимизда тинчлик, фаровонлик, хонадонларимизда тўкинлик бўлсин.

**Гулчеҳра УМАРОВА**
**суҳбатлашди.**

**Гулистон МАТЁҚУБОВА,**
**Қорақалпоғистон халқ шоири.**

Шукрона

# ЯНГИЛАНГАН ЮРТНИНГ ЯНГИ ЖАМОЛИ

**Елкада энг олий мақсадлар юки,**
**Янги йил кирмоқда она заминга.**
**Бу ёруғ оламда инсон бор токи,**
**Тинчлик тилла тождир ҳар лаҳза кунга.**

**Келсин, Янги йилим, янги йўлларда,**
**Янгиланган юртнинг жамолин кўрсин.**
**Азиз меҳмон бўлиб, янги уйларда,**
**Элимнинг юксалган камолин кўрсин.**

**Қувонсин янги йил, кўзлари чақнаб,**
**Халқимнинг фидойи меҳнатларига.**
**Кўнгли тоғдек ўсиб, нурланиб яшнаб,**
**Куч қўшсин элнинг куч-қудратларига.**

**Юртбошим танлаган йўлда сервиқор,**
**Юксалган истиқлол тоғларин кўрсин.**
**Дўстлик, биродарлик билан ҳосилдор,**
**Озод, обод юртнинг боғларин кўрсин!**

**Бу юртда Оила мустаҳкам қўрғон,**
**Аёл яратганнинг олий неъмати.**
**Она билан бола, жон билан бир тан,**
**Келажак кунларнинг доно ҳикмати.**

**Истиқлол бағрида ҳар ўғил, қизи,**
**Ҳар ўғил, қизидан элга эҳтиром.**
**Ассалом, осмоним, ойим, юлдузим,**
**Тинч-осойиш тонглар, сизга ассалом.**

**Она тилагида абадий ҳаёт,**
**Унга меҳримиз ва эъзозларимиз.**
**Бола соғлом бўлса — авлод баркамол**
**Улуғ аждодларнинг урпоғимиз биз!**

**Аввало онаси, боласи соғлом,**
**Янги йил кўр, бугун Ўзбекистонни!**
**Барқарор юртимда тинчлик бардавом,**
**Мангу Ватан қил бу жаннатмаконни!**

# ОЛАМНИ КЕЗГАН НАРГИС

Истиқлол фарзандлари

Зарбли чолғулар ҳақида гап кетганда доира, ноғора ёки шунга ўхшаш бирор созни чалаётган йигит кўз ўнгимизга келиши табиий. Аслида ҳам шундай. Зарбли чолғу ижрочилари асосан йигитлар. Лекин бизнинг қаҳрамонимиз — зарбли чолғуларнинг моҳир ижрочиси Наргис Азаматова.

Наргиснинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: "Билмадим, нимагадир, эсимни таниганимдан уриб чалинадиган созларга жуда қизиқардим. Айниқса, ноғора, барабан, доира чертувчи моҳир созандалар ижросини берилиб томоша қилардим. Буни кўрган онам мени Гулистон шаҳридаги мусиқа ва санъат мактабига ўқишга олиб бордилар". Ёш созанданинг маҳорати дастлаб Валерий Бекмуродов раҳбарлигидаги "Қувноқ таёқчалар" ансамблида чархланди. Бу ансамбл билан биргаликда ўн йил давомида "Президент арчаси" байрам томошаларида, турли республика фестивалларида, Ҳиндистон, Малайзия, Россия ва бошқа Европа давлатларида ўтган танловларда муваффақиятли қатнашди.



2002 йили "Ёш ижрочилар" республика танловида зарбли чолғуда профессионал ижроси учун биринчи ўринни эгаллади ва Гулистон санъат коллежига ўқишга имтиёзли қабул қилинди. Ўқиш даврида пуфлама ва зарбли чолғулар ҳамда халқ чолғулари оркестрида фаол қатнашиб, маҳоратини ошириб борди. Айниқса, вилоятларда ўтказилган концертларда Наргиснинг ижро маҳорати янада такомиллашди.

Коллежни муваффақиятли тугатган Н.Азаматова Ўзбекистон давлат консерваториясига ўқишга кириб, доцент Али Измайлов синфида шуғуллана бошлади. Иқтидорли талаба сифатида иккинчи курсдаёқ Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зоҳид Ҳақназаров раҳбарлигидаги мусиқий театр-студияга қабул қилинди. Ўқиш даврида ҳам фаол ижод билан шуғулланиб, Италия, Остона шаҳарларида ўтказилган танловларда фахрли ўринларни эгаллаб қайтган Наргис 2009 йили "Тасанно" мукофотига сазовор бўлди. Ёш ижрочи қизлар учун ноодатий бўлган зарбли чолғуларни танлаганидан фахрланади. "Ҳар куни ҳеч бўлмаганда беш дақиқа ўз чолғумда машқ қилмасам, куним мазмунсиз ўтгандек бўлади", дейди у.

Н.Азаматова танқидни тўғри қабул қиладиган, изланишдан чарчамайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам ишончни йўқотмайдиган ижодкор. Консерваторияни битириб, мусиқа ва санъат мактабида ёш авлодга сабоқ бераётган изланувчан созанда ижодий фаолиятини давом эттирмоқда. Ҳозир Исмоил Жалилов бошчилигидаги миллий симфоник оркестрда ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Камолиддин Ўринбоев қўл остидаги Ёшлар симфоник оркестрида маҳоратини оширмоқда.

**Шаҳноза ТОШПЎЛАТОВА,**
**консерватория талабаси**

# МУКАММАЛ МАНБА

Янги нашр

Истиқлол йилларида ўзбек тилида тасвирий санъат тарихи фанига оид дарслик ва қўлланмалар яратиш долзарб вазифага айланди. Бу борада қатор ишлар амалга оширилди. Изланувчан педагог, тажрибали тадқиқотчи Олим Самадовнинг "Тасвирий санъат тарихи" деб номланган китоби ана шундай зарур қўлланмалардан биридир. Китоб олти бобдан иборат, оқ-қора ва рангли суратлар берилган.

Мазкур қўлланмада қадимги санъат тарихи фанининг ёш авлодни эстетик ва ахлоқий тарбиялашда тутган ўрни чуқур таҳлил қилинган. Китобхон дастлаб санъатнинг моҳияти, ўзига хос хусусияти, таркибий қисмлари ҳақида маълумот олади. Ўз навбатида тасвирий санъат маълум тур ва жанрларга бўлиниши ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлади.



Муаллиф санъатнинг ибтидоий жамоа давридан бошлангани ҳақида сўз юритиб, ўша даврга тааллуқли санъат турлари, уларнинг бадиий мазмунини очиб беради ва санъат бу даврда мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтганини батафсил баён этади.

Шунингдек, китобда Қадимги дунё санъати, Ўрта асрлар санъати, Уйғониш даври, Ғарбий Европа, Ўзбекистон санъати ҳақида кўп қизиқарли маълумотлар мавжуд. Ўқувчи ҳар бир давр санъати ҳақида тўлиқ тушунча олиб, уларнинг мураккаб ривожланиш йўли, тарихий аҳамиятини ўрганиш имкониятига эга бўлади.

Қўлланма гарчи тасвирий ва амалий санъат, тарих ва музей ишлари методикаси бакалавр таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган бўлса-да, ундан бой ва маънавий тарихимиз довруғи бўлмиш миллий санъатимиз тарихига қизиқувчи барча китобхонлар фойдаланиши мумкин.

**Қорёғди ЖУМАЕВ,**
**санъатшунослик фанлари номзоди**

Тадбир

Мустақиллик йилларида ёш авлод тарбияси асосий вазифалардан бирига айланди. Барча соҳаларда бўлгани каби Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ҳам шу йўналишда фаолият кўрсатаётган истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодларини кенг тарғиб қилиш ва рағбатлантириш мақсадида турли ташкилотлар билан ҳамкорликда кўплаб танловлар, фестиваллар ва кўнгилочар тадбирлар ўтказилмоқда.

Буюк бобокалонларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд саналари барча вилоятларда кўтаринки руҳда нишонланди. "Шарқ тароналари" Х халқаро фестивали юқори савияда ташкил этилди. Президентимизнинг ёш ижодкорлар учун таъсис этган "Ниҳол" мукофоти совриндорлари сони 167 нафарга етди. "Ягонасан, муқаддас Ватан!" қўшиқлар, ёш созандаларнинг "Созлар наводси" кўрик-танловлари, ёш опера ижрочиларининг "Ёшлик баҳори" кўрик-фестивали, "Ёшлик завқи", "Рақс сеҳри", "Ижодимиз сенга, Ватан!" танловлари... булар ўтган йилги тадбирларнинг бир қисми, холос. Муҳими шундаки, бу тадбирларда қанчадан-қанча истеъдодли ёшлар кашф этилди. "Кексаларни эъзозлаш йили"га бағишланган барча тад-

# ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

бирлар миллий қадриятларимизни ёш авлодга янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қилгани шубҳасиз. Спорт соҳасидаги ютуқларимиз ҳам бундан кам эмас. Юртимизда бир қатор халқаро мусобақаларнинг муваффақиятли ташкил этилгани, боксчиларимиз, теннисчилар, эркин кураш, дзюдо спорт турлари вакиллари, паралимпиячилар ва бошқа спортчиларимиз жаҳон миқёсида қўлга киритаётган ютуқлар бунинг далилидир.

Куни кеча Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ана шулар ҳақида гап борди. "Маданият ва спорт: ташаббус ва таҳлил" мавзуида ўтказилган мазкур анжуманда вазирлик тизимидаги ташкилотларнинг раҳбарлари, санъаткорлар ҳамда спортчилар қатнашди.

Тадбирда қилинган ишлар, ютуқ ва камчиликлар атрофлича таҳлил этилди. Шунингдек, анжуман қатнашчилари 2016 йилги режалардан бохабар бўлдилар. "Томоша" болалар театри биносини реконструкция қилиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, республика Қўғирчоқ театрининг янги биносини қуриш, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрини реконструкция қилиш ва янги қўшимча бино қуриш, "Миллий мусиқа маркази"ни ташкил этиш каби тадбирлар шулар жумласидан. Шу билан бирга, юртимизда қатор нуфузли спорт мусобақаларини ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

**Ўз ахборотимиз.**

# ИРМОҚЛАР ТУТАШГАНДА

Тасвирий санъат олами кашф этилмаган йўлу манзилларга бой. Адоғи йўқ бу мўъжизавий бўстонга қадам қўйган мусаввир борки, албатта, ўз сўқмоғини, бошқаларга ўхшамас бетакрор дунёсини излайди. Замонавий санъатшунос зиммасидаги энг мураккаб вазифалардан бири мана шу улкан ва ранг-баранг жараёнда мусаввир ижодини алоҳида бадиий ҳодиса сифатида кўра билишдан иборат. "San'at" журнали нашриётида яқинда чоп этилган санъатшунослик фанлари доктори Нигора Аҳмедованинг Ўзбекистон рассомлари ҳақидаги "Кашф этилмаган йўл" номли очерклар китобини ҳам миллий тасвирий санъатимизда кечаётган изланишларни илмий жиҳатдан теран англаш йўлидаги тадқиқот сифатида баҳолаш мумкин.



Узоқ йиллардан буён ўзбек рангтасвирининг ривожланиш масалаларини, етакчи рассомларимиз ижодини тадқиқ этиб келаётган олима қарийб ярим асрлик даврни қамраб олувчи ижодий изланишларни ўрганишда замонавий санъатшунослик талабларига жавоб берувчи ўзига хос йўл топишга эришганини таъкидлаш лозим. Янги китобнинг мавзулар мундарижаси, бўлимлар кетма-кетлигидан тортиб, дизайнерлик ечимларини яратишда ҳам чуқур ўйланган ғоя асосида иш олиб борилган. Муқова юзида чексиз саҳро бағрида Микеланжелонинг машҳур "Медичи Мадоннаси" ҳайкалидан лавҳа ўрин олгани аслида рамзий маънога эга. Дизайн муаллифи А.Николаев хаёллар оғушига чўмган она сиймоси замирида санъатимизда мушоҳадага чорловчи масалалар бисёр эканига, ўзбек рассомларининг изланишлари жаҳон маданияти билан бевосита алоқадорлигига урғу беради.

Китобда миллий тасвирий санъатимиз тараққиётига катта ҳисса қўшиб келаётган ўн етти мусаввир ижодига мурожаат қилингани бежиз эмас. Рамзий маънода мутахассис ўзбек тасвирий санъатининг ўзига хос суратини "чизади", сиру синоатларини ошкор этади. Тўғри, китоб ҳар бир рассом ижодига бағишланган алоҳида очерклардан иборат. Мусаввирларнинг изланишлари индивидуал ўрганилиб, теран таҳлил чиғириғидан ўтказилади. Ортиқча тафсилотлару баландпарвоз баҳолардан четланишга ҳаракат қилган мутахассис ижодий изланишларнинг асосий негизига эътибор қаратади. Бир қарашда ягона ўзанга бирлаштиришнинг иложи йўқдек кўринган ранг-баранг йўналишдаги рассомлар ижодига баҳо бериш баробарида Н.Аҳмедова уларнинг барчасини туташтирувчи умумий ирмоқларни топишга эришган.

Китобнинг "Диалог поэтикаси" номли дастлабки бўлимида тасвирий санъатимизга XX асрнинг 70-80-йиллар бошида кириб келган Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Алишер Мирзаев, Акмал Икромжонов сингари истеъдодли рассомлар ижодига назар солинади. Уларнинг изланишларида миллий ва жаҳон санъати анъаналарининг уйғунлиги Шарқ ва Ғарб мулоқоти концепцияси мазмунида тадқиқ этилади. "Айро йўллар боғи" бўлимида эса юқоридаги изланишларнинг янги босқичи — ўтган асрнинг 80-йиллар охири 90-йиллар бошида катта ижод майдонига қадам қўйган Файзулла Аҳмадалиев, Акмал Нур, Шаҳноза Абдуллаева, Мурод Қорабоев сингари мўйқалам соҳибларининг ижоди таҳлил қилинган. Ушбу авлод мусаввирларининг миллий маданиятимиз, асрлар давомида сайқал

Китобингизни ўқидим

топган қадриятларимизни қайта англашга бўлган умумий интилишларига баҳо бериш билан уйғун равишда мутахассис Жамол Усмонов, Бобур Исмоилов каби рассомларнинг концептуал санъатдаги тажрибаларини ҳам назардан четда қолдирмайди. Демак, китобнинг "Концептуаллик йўлида" деб номланган сўнгги бўлими юқоридаги тадқиқотларнинг мантиқий давомига айланади. Александр Николаев, Муҳаммад Фозили, Александр Барковский каби замонавий рассомлар ижоди биргина рангтасвир доирасида ўрганилмайди. Изланувчан мутахассис рассомларнинг инсталляция, видео-арт, фотоколлаж сингари йўналишлардаги ижодий лойиҳаларини изчил таҳлил этади. Ушбу бўлим тасвирий санъатимизнинг бугунги куни ҳамда келажаги ҳақида мушоҳада юритишга чорлаши, шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, Н.Аҳмедова турли услуб ва ёндашувга эга рассомлар ижодини ўрганиш замирида миллий тасвирий санъатимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган даврнинг рангин манзарасини ёритиб берди. Бироқ мутахассис шунчаки ижодий эврилишларни босқичма-босқичма тадқиқ этиш билан чекланиб қолгани йўқ. Аксинча, Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, А.Мирзаев сингари рассомлар мустақиллик йилларида ҳам фаол изланиб, янги ижодий чўққиларни забт этганига алоҳида урғу беради. Аниқроқ айтганда, олима рассомларга хос бўлган ижодий изланишларни маълум бир даврдаги аҳамияти, қандай янгилик олиб кирганию новаторлик даражасига кўра саралайди. Ўқувчи кўз ўнгида бир-бирига ўхшамас, бетакрор тасвир услубига эга мусаввирларнинг ёрқин ижоди гавдаланади. Улар билан танишиш жараёнида миллий тасвирий санъатимизда кашф этилмаган йўллар чиндан ҳам бисёрлигини англайсиз.

Швецария ҳамкорлик бюроси кўмагида нашр этилган ушбу илмий тадқиқот айни пайтда рассомлар ва санъатшунослар ўртасидаги мулоқот нақадар муҳимлигини ҳам намойиш этди. Китобнинг пойтахтимиздаги Фотосуратлар уйида ўтказилган тақдимот маросимида етакчи санъатшунослар, таниқли ижодкорлар билан бир қаторда очеркларнинг қаҳрамонлари ҳам иштирок этгани ҳам буни тасдиқлади. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академияси раиси, Халқ рассоми Акмал Нуриддинов тасвирий санъатга бағишланган жиддий илмий ишларга бугун эҳтиёж катталигини, қалами доимо ҳаракатдаги профессионал санъатшуносларнинг тадқиқотларини нафақат маънавий, балки моддий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаш лозимлигини таъкидлади.

**А.ИМОМОВ**

# БАЙРАМ ҲАЗИЛЛАРИ



*Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Кенесбой Каримовга:*

**Гоҳ носирман, гоҳида шоир,**
**Неки ёзсам қалбимга доир.**
**Ёзганларим Амударёдай**
**Тугамас ҳеч, билмайди охир.**



*Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджонга:*

**Катталарга ёзсам мабодо,**
**Бу не, дея ўйламанг хато:**
**Менинг шеърим ўқиб ўрганган**
**Болалар ҳам ушбу кун бобо!**



*Шоир Рустам Мусурмонга:*

**Баҳор бўлгайдирсан, қиш бўлгайдирсан,**
**Шундай азоб чекиб иш билгайдирсан.**
**Устоз демишларки: Рустам Мусурмон,**
**Лойинг пишиб-пишиб ғишт бўлгайдирсан.**



*Шоир Икром Отамуродга:*

**Юракмисан, қалбмисан ё дил,**
**Кўнгил, менинг сўзимга кўнгил,**
**Шундоқ кўнглим сезиб турибди –**
**Сен – кангулсан, кангулсан, кангул!**

# ҲАЁТ АБАДИЙ

*Янги йил ҳамиша яхши нарсаларга умид уйғотади. Бу бахт ҳақидаги орзулар, кириб келаётган янги йилнинг аввалгисидан албатта яхши бўлиши, умидсизлигу нохушликлар ўтган йилда қолиб кетишини орзиқиб кутиш лаҳзалари. Айнан янги йил арафасида кўнгилда сир тутилган, ихтиёримиздан ташқари бўлган барча истаклар албатта рўёбга чиқишига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ишонгимиз келади.*

*Албатта, яхши ниятда ҳикмат кўп. Янги йилдан*



## Янги йил ҳикматлари

*сўнг эски йил қайтиб келгандай туюлиши ҳам бор гап. Чунки, қуёшимиз, еримиз битта. Улар йил-ўн икки ой ўз фазоси атрофида айланишда давом этаверади. Биз эса, барибир, аввалгидан яхшироқ бўлгимиз, дунёга самимий ва ҳушёр, меҳрибонроқ кўз билан боққимиз келаверади. Ўзимизни, хатти-ҳаракатимизни таҳрир қилишга уринамиз. Хато, ютуқ ва камчиликларимизни сарҳисоб этиб, янги мақсадлар билан яшай бошлаймиз. Шунинг ўзи катта давлат эмасми?!*

*Қалбида болалигини, мўъжизаларга ишонишдек ажойиб фазилатни сақлаб қолган одамлар учун янги йил ҳамиша қандайдир ўзига хос ҳодиса, шод-хуррамлик, умидбахш режалар ва ишонч лаҳзалари, ўзи ва атрофидаги барча яқинлар учун байрамни эсда қоладиган қилиб ўтказишга саъй-ҳаракат фурсати ҳамдир.*

*Янги йил бизга ҳаётимизни яхши томонга ўзгартириш учун ҳам гўзал имконият беради. Одатга айланган, зериктирган нарсалардан воз кечмоқ, иккиланишларни енгиб дунёга кулиб боқмоқ, ҳаётимизни хоҳиш ва истакларимизга мос даражада янгидан қурмоқ учун қулай фурсат ҳам янги йил. Ҳеч бир байрам бу байрам қадарли ажойиб ўзгаришлар кутаётган одамларни яқинлаштира олмайди. Шунинг учун ҳам янги йил барчамизга қувонч ва шодлик, эсон-омонлик, муҳаббат, омад ва бахт олиб келишига ишонамиз.*

Ёшлик — янги йил кечасини ухламай ўтказишга изн беради; ўрта ёш эса, янги йил кечасида ухлаб қолмаслик учун ўзингни мажбурлашни талаб қилади.

* * *

Янги йилни ким билан кутмоқчи бўлаётганингни айтсанг, қандай қадаҳ сўзлари айтишинг лозимлигини ўргатаман.

* * *

31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси тақдир сен учун янги ҳаёт эшигини очади, бироқ айни шу пайт бу эшикдан кириб олиш қийинроқ.

* * *

Янги ҳаётни янги йилдан бошлаш у қадар қийин эмас, бироқ 1 январдан бошлаш машаққатли.

* * *

Ўнлаб-ўнлаб янги йиллар одам боласини эскиртириб қўяди.

* * *

Учрашувлар сира тасодифан бўлмайди. У сен учун бир синов, жазо ёки тақдир туҳфаси бўлиши ҳам мумкин.

* * *

Ҳаётда йўл қўядиган энг катта хатомиз — атрофимиздагилар биз ҳақимизда айтаётган гапларга ишониб қолмоқдир.

* * *

Ҳаёт қаддини тик тутиб кета олишини исботлаш учун гоҳо кучли одамларни ҳам тиз чўктиради! Кучсизларга эса, тегишмайди, негаки, улар бутун умр тиз чўкиб юришади.

* * *

Кўпчилик ўйлайдики, одам қариганда севишдан тўхтайди деб, ҳақиқатда эса, улар севишдан тўхтаган пайтда қариган бўлишади.

* * *

Дунёнинг муаммоси шундаки, бефаҳм ва мутаассиблар ўзларига ҳаддан зиёд ишонади, ақл-идрокли кишилар эса, иккиланиб, шубҳа билан яшайдилар.

* * *

Бу дунёда ҳеч кимга ҳаддан ортиқ боғланиб қолма, негаки, ҳатто ўз соянг ҳам қоронғуликда сени ёлғиз қолдиради.

* * *

Дунёнинг кўплаб халқларида: "Ўйловчи ўйини битиргунча, таваккалчи дарёдан кечиб ўтибди", деган нақл бор. Савол чиқади: соғ-омон яшаш учун кимга таяниш керак — кўп ўйлаб бирон қарорга кела олмайдиганларгами ёки таваккалчиларга?..

* * *

Ўзингизни ўзгартиришга ҳаракат қилиб кўринг, бошқаларни ўзгартиришга уриниш нақадар мураккаблигини англайсиз.

* * *

Кейинроқ кўп нарсага эришмоқ учун вақтида бирон нарсадан афсуссиз воз кечишга тайёр бўлмоқ ҳам керак. Бошқача айтганда, жон чекмасанг, жонона қайда?

* * *

Орзу истаклар тугаса, ҳаёт ҳам тугайди.

* * *

Дунёдаги кўпчилик одамлар шунинг учун ҳам қашшоқки, ҳадеб пул ва бойлик ҳақида ўйлайвериб, фикри-хаёли ва ҳаракатини бошқа нарсаларга жалб эта олишмайди.

## Буни ҳаёт дейдилар

### СОВҒА

— Шу сафар янги йилни биз билан бирга кутинг. Ҳар йили ошна-оғайниларингиздан ортмайсиз. Ахир, Янги йил оилавий байрам. Бола-чақа билан дастурхон атрофида жамланганга не етсин, — деди Мастура кўчага, улфатларининг олдига кетаётган эрига жовдираб қараб.

— Байрамни ким билан ўтказишни ўзим биламан. Дўстларимга ваъда берганман. Сизлар билан эртага нишонласам ҳам бўлаверади. Ана, болалар билан бирга ўтир, қўшниларникига чиқ. Уйда ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйган бўлсам, — деди Қобил хотинига.

Ҳар доим аҳвол шу. Турмуш қурганларига ўн йилга яқинлашибдики, Қобил янги йилни оила даврасида болалари билан хушхандон кутиб олишни билмайди. «Ҳа, майли, — деди Мастура ўзига ўзи янги йил олди кайфиятини бузмаслик учун, дастурхон тузашга киришаркан, — шунисигаям шукр, нима қилсаям болаларимнинг отаси, боши омон бўлсин, бахтимизга соғ бўлсин».

Орқасидан мунғайиб қолган хотинини ўйлаб, илк марта Қобилнинг кўнглидан: «Нега хўп, деб қўя қолмадим. Байрам куни хафа қилмасам бўларди», деган хаёл ўтди ва йўл четида турганча машина тўхтатмоқчи бўлганди, қоп орқалаган Қорбобога кўзи тушди.

— Ассалому алайкум, яхшимисиз, байрамингиз билан, — салом берди Қорбобо унга яқинлашиб.

— Ваалайкум ассалом, — деди Қобил тунд қиёфада. — Аммо менинг совға олишга пулим йўқ.

— Пулингиз керак эмас. Олинг, бу совғалар яқинларингизга. Шу совға билан фарзандларингизнинг, қадрдонларингизнинг кўнглини кўтаринг. Янги йил сизга меҳр-оқибат, эзгуликка тўлиқ йил бўлсин, — деди Қорбобо.

Қобил Қорбобо тутқазган совғаларни олиб, бир муддат анграйиб қолди. «Раҳмат» айтиш учун ортига ўгирилганида Қорбобо ғойиб бўлганди.

У уйига қайтиб қўлидаги совғалар билан кириб борар экан, пешвоз чиққан хотини ва болаларининг юзига табассум югурди.

Болалар совғаларга ҳам қарамай, ўзларини дадасининг қучоғига отишди ва «Ур-ре! Дадам янги йилни биз билан бирга кутар эканлар», дея уйни бошларига кўтариб қийқиришди.

### МЕҲР

Мирсодиқ бобо байрам дастурхони тузалган уйнинг тўрида ўтираркан, ўғлининг кечикаётганидан ташвишда эди. Гарчи олдида қизлари, неваралари бўлсада, у ўғлига илҳақ. Ўғли Анвар бошқа шаҳарда яшайди, оилали, узоқ йўл юриб келишнинг ўзи бўлмайди, лекин бир қўнғироқ қилиб, огоҳлантириб ҳам қўймади. «Тинчликмикан? Балки ҳар доимгидек кутилмаганда кириб келмоқчидир. Қолаверса, келин оғироёқ эди, балки...» Мирсодиқ бобо шу ўйлар билан ҳовлига чиқди. Тун чўкканига қарамай, ҳаммаёқ сутдек ойдин. Кечаси билан ёққан қор кўзни қамаштириб жимирлайди.

Мирсодиқ бобо уйда қий-чув қилиб ўтирган невaралари, қизларининг ёнига қайтди. Телевизордаги қизиқ томошаларга ўзини чалғитишга ҳарчанд уринмасин, барибир, хаёли ўғли Анварда. Бироз ўтириб отахон яна ташқарига йўналди. Ўғли биринчи марта янги йилда ота уйига етиб келолмади. Балки онаси тирик бўлганида, қаердан бўлмасин етиб келармиди?

Дадасининг ташқарида хаёлга чўмиб турганини кўрган қизи Муборак:

— Дада, киринг уйга, акам келса шу пайтгача келарди, энди униям тушуниш керак, оилали, бунинг устига янгам оғироёқ, — деди у ўзини хафа бўлгандек кўрсатиб.

— Мана, акам бўлмаса, биз бормиз, укаларим бор. Ёки бизнинг келганимиз ҳисоб эмасми...

Мирсодиқ бобо уйга кириб кетаётган қизининг ортидан қараб қолганича хаёлга чўмди: "Эҳ, қизжоним, ўнта бўлсаларингиз ўринларингиз бошқа. Гарчи, сизлар ўзларингиз ота-она бўлсаларингиз-да, мен учун ҳалиям боласизлар. Бизнинг орзу-ҳавасларимиз ҳам, тириклигимиз ҳам сизлар билан, ахир..."

Мирсодиқ бобо ҳамон ўғлининг келишидан умидланиб, ширин ичимлик қуйилган пиёлани қўлига оларкан, эшик очилиб қўлида катта торт билан уст-боши оппоқ қорга бурканган Анвар кириб келди.

— Дада, эртароқ келмоқчийдим, келинингиз Азиза яқинда кўзи ёриди, қизлик бўлдик. Сизларга Янги йил совғаси бўлсин, деб телефон қилмай келавердим. Хавотирга қўйган бўлсам, узр...

Мирсодиқ бобонинг дили ёришиб кетди.

**Барно СУЛТОНОВА**

ХУРШИДАБОНУ

## Шукрона

# ОҚ НИЯТЛАР

**Ҳар юракка, Янги йил, нурафшонлик олиб кел,**
**Элга фидо жонларга шараф-шонлик олиб кел.**
**Она Ватан ягона, биз бир тану бир жонмиз,**
**Ризқу рўзимиз ҳам бир, фаровонлик олиб кел.**

**Эзгулик, омад, қувонч иноятн сендадир,**
**Оппоқ орзу-тилаклар ижобати сендадир.**
**Меҳнаткаш бу халқимнинг улуғвор мақсадлари,**
**Дуогўй кексаларнинг ибодати сендадир.**

**Қора ният касларга улаш инсоф-диёнат,**
**Энг оғир гуноҳ ахир бу – Ватанга хиёнат.**
**Ўзбекистон осмони нур сочиб турсин мудом,**
**Оналар бахтли бўлсин, дилбандлари саломат.**

**Ёруғ-ёруғ манзиллар чорлайверсин бизларни,**
**Юрт кўксига тақиб қўй ҳеч сўнмас юлдузларни.**
**Муҳаббатга, меҳрга, садоқатга ошно қил,**
**Эртамизнинг эгаси – соғлом ўғил-қизларни.**

# БАЙРАМ ҲАЗИЛЛАРИ



*Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси бош шифокори Анвар Ражабовга:*

**Тун-кун ором йўқ унга,**
**Дўхтир қачон тингайдир?**
**Шоир ва ёзувчилар**
**Мингми, икки мингтадир.**
**Ижодкордай зўр бемор,**
**Касал йўқдир — билади.**
**Минг жони бор шифокор**
**Анвар дўхтир бўлади.**




*"Дўрмон" ижод уйи директори Абдусаттор Мўминовга:*

**Дўрмонга такрор-такрор,**
**Келгуси кўп ижодкор.**
**Мен ҳам шоир бўлсайдим,**
**Ким бўларди директор?..**



*Пародия устаси Абдураззоқ Обрўйга:*

**Менга китоб совға этсангиз,**
**Битта қўймай ўқишим аниқ.**
**Агар ҳаддан ошиб кетсангиз –**
**Пародия тўқишим аниқ!**



*Ёзувчилар уюшмаси Халқаро адабий алоқалар ва таржима кенгаши раҳбари Адҳамбек Алимбековга:*

**Тил ўрган, дўстлар қидир –**
**Қилайлик зўр ҳафсала.**
**Таржима иши, ахир**
**Бу – халқаро масала!**

*График-рассом Ҳусан СОДИҚОВ суратлари*

## Янги нашр

# ОНА ЮРТГА МУҲАББАТ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, жамиятда бўлаётган ўзгаришларга ўзининг муносабатини, кўнгил кечинмаларини гоҳ назмий, гоҳ насрий йўсинда ифодалаб келаётган шоир Ғайрат Мажид кўп йиллик ижоди билан ўқувчиларга яхши таниш.

Истеъдодли шоирнинг "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида нашрдан чиққан навбатдаги китоби "Оққушларга айланар юрак" деб номланади. Ундан Ватан, соғинч, миллат, тинчлик, инсон қалби сингари тушунчаларни муштарак айлаган муҳаббат туйғуларига йўғрилган шеърлар ўрин олган.



Китобдаги илк шеър "Шукрона" деб номланади, унда шундай мисралар бор:

**Чинору минори минг йиллик,**
**Минг йиллик бу юртнинг достони.**
**Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро –**
**Кафтида тутган дур-маржони.**
**Бизники шу юртнинг ўтмиши,**
**Бизники шу юртнинг даврони...**

Ўйлаймизки, муаллифнинг турли йилларда ёзилган шеърларидан тартиб берилган ушбу китоби кўнгиллар ҳамрозию қадрдонига айланиб, яқин дўст мисол ўқувчилар меҳрини қозонади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси

**Мансур АЛОВУДДИНОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси жамоаси таҳририят ходимаси Муяссар Исломовага отаси

**ЭРГАШ ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Oʻzbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙЙИД

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Азиз ИМОМОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди —18.06

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 7068 Буюртма S — 4803. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X